

У зотнинг: **«Икки хислат мунофиқда жам бўлмайди: гўзал шакл ва динда фақиҳ бўлиш»** деганлари «Эй умматларим, мунофиқ бўлмайин десангиз, гўзал шаклга эга бўлишга ва динда фақиҳ бўлишга урининглар!» деганларидир.

Демак, ушбу ҳадиси шарифни ҳаётимизга татбиқ қилиб, гўзал шаклга эга бўлиш ва Ислом динида фақиҳ бўлиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Гўзал шаклга эга бўлиш том маънода гўзал бўлишдир. Исломда ҳар бир нарса гўзал бўлишига тарғиб қилинади. Шунинг учун биз, мусулмонлар том маънода гўзал бўлишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Динда фақиҳ бўлиш – Ислом динини дақиқ тушуниш эса, икки дунё саодатимиз учун ниҳоятда зарурдир. Динда фақиҳ бўлиш иймон нимаю куфр нима, Ислом нимаю нифоқ нима, савоб нимаю гуноҳ нима, ҳалол нимаю ҳаром нима, жаннат нимаю дўзах нима, жаннатга нима билан эришиладию, дўзахга тушишга нима сабаб бўлади каби ва шунга ўхшаш муҳим масалаларни тўлиқ билиш деганидир.

Биз, мусулмонлар мунофиқ бўлмайлик, десак, ушбу ҳадиси шарифда кўрсатилган икки нарсани ўзимизда жам қилишга уринишимиз лозим. Бу билан эса икки дунёимиз саодатини таъминлаган бўламиз.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди